



ТОШКЕНТ ХАВЖАТЎ

РўЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИКА БОШЛАГАН


ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШИ НАШРИ

№ 133 (10.129).

1991 йил 12 июль • жума

Баҳоси 8 тийин.

ОЛМАЛИҚДА БАЙРАМ ТАЪТАНАЛАРИ



Бундан 40 йил муқаддам Тошкент вилоятининг жанубида Олмалик шаҳри вужудга келди. Шаҳарлар бир кунда пайдо бўлиб қолмайди. Авваллари бу ерда шу ном билан шаҳар тилдаги кўрғон мажмуи эди. Бироқ социалистик курилиш йиллари бу кўрғон йириклашди. 1951 йил 10 июль кун эса Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати фармони билан Олмалик вилоят тасарруфидоги шаҳар деб эълон қилинди. Утган давр мобайнида у кимёгарлар, қурувчилар ва талабалар шаҳри сифатида нафақат ўлкамада, балки ўзро алоқалари орқали ташқи дунёга ҳам маълум ва машҳур бўлди.

Кўни кеча Олмаликда катта байрам тантаналари ўтказилди. Шаҳар ўзининг 40 йиллигини нишонлади. Бу айёмга катта тайёргарлик қилинди. Кўча ва кўчбонлар байрамона безатилди. Байрамга вилоятнинг бар-

ча ҳудудлардан вакиллар ташриф буюрдилар. Улар байрам дастурхонига соғва сифатида 500 тонна мева ва сабзавотлар етказиб бердилар.

Байрам тантанаси Шон-шўрат айдорлигига гулчамбарлар қўйиб билан бошланди. Маросимда Ўзбекистон ССР президентилик кенгаши аъзоси, конметаллургия комбинати бош директори В. Сигедин, Ўзбекистон Компартияси Олмалик шаҳар партия кўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг раиси Ю. Н. Беланов, шаҳар ижроқўми раиси Т. Тоқитов, шунингдек, уруш ва меҳнат қаҳрилари, партия, совет, комсомол ходимлари, санюот корхоналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Юбилейга бағишлаб шаҳарда тарихий ўлкашунослик музейи очилди. Унинг қалити биринчи директор Л. Н. Петро-

СССР Вазирлар Маҳкамасида

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА РАҲБАР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Вазирлар Маҳкамаси билан суверен республикалар ҳукуматларининг бозорга ўтиш шароитида мамлакат иқтисодиётини таъгликдан олиб чиқишга доир қўшма ҳаракат дастурига давлат ва ҳужалик бошқаруви идораларининг раҳбарлари олдига муҳлақ янги вазифалар қўйилмоқда. Белгиланган ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан уларнинг бозор мусоабатлари соҳасидаги билимлари, таъглик вазифаларини энгиб ўтиш қобилиятига, хорингдаги иқтисодий таърибадан фойдалана олиш маҳоратида боғлиқ.

Янги тусдаги раҳбарларни тарбиялаш, иттифоқ ва республика давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг раҳбар ходимларини тайёрлашни тақомиллаштиришга доир ишнинг мувофиқлаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиш мақсадида СССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида раҳбар ходимларни тайёрлаш Давлат Маҳкамасини тузди.

СССР раҳбар ходимларини тайёрлаш Давлат Маҳкамасининг энг муҳим вазифаси республикаларнинг ҳукуматлари, шунингдек ўзга бошқаруви идоралари, илмий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бозорга ўтиш шароитида бошқаруви имкониятларини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш иттифоқ-республика дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

СССР раҳбар ходимларини тайёрлаш Давлат Маҳкамасига икки ой муддатда маъруза дастурини СССР Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш, унда ўқитишнинг жадал технологияларини жорий этиш, малака ошириш ўқув юртлирини йўналишини ўзгариштириш ва ихтисослаштириш, хорингда ходимлар тайёрлаш натижаларининг аниқ шилиш ҳисобига таълим сишланиш тубдан яхшилашга доир чора-тадбирлар мажмуини қўзда тутиш топширилди.

Қарорларни жамоа бўлиб ишлаб чиқиш, республикаларнинг мафазатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш учун СССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги раҳбар ходимлар тайёрлаш Давлат Маҳкамаси республикалар ҳукуматларининг, СССР вазирликлари ва идорала-

ри, жамоат иттифоқлари, уюшмалари, корхоналар, илмий муассасалар ва ўқув юртлири вакилларидан иборат республикаларро мувофиқлаштириш Кенгашини тузди.

СССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги раҳбар ходимларни тайёрлаш Давлат Маҳкамасига давлат амалга ошириш раҳбар ходимларни тайёрлаш учун ихтисослаштирилган ўқув марказлари тармоғини шакллантириш топширилди.

Бошқаруви ходимларига таълим бериш ва шу мақсадда ташкил этиладиган халқро жамғармалар ва дастурлар маблагларидан фойдаланиш соҳасида амалдаги битимларни рўйга чиқариш ва ҳукуматларро янги битимларни тайёрлаш учун масъулият СССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги раҳбар кадрлар тайёрлаш Давлат Маҳкамаси зиммасига юклатилди.

Давлат идораларининг СССР билан бошқа мамлакатлар уртасида тузилган ҳукуматларро битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришга доир фойдаланиш мувофиқлаштириш вазифаси СССР раҳбар ходимларини тайёрлаш Давлат Маҳкамасига топширилди.

Хорингда ўқитиш учун ходимларни раҳбарлик лавозимларига қўтариш учун захира вужудга келтириш мақсадида биринчи навбатда давлат бошқаруви идоралари учун раҳбарлар ва мутахассислар тайёрлаш заруратида келиб чиқиб танлаб олинади. Мажбурий чора сифатида хорингда ўқитиладиган ходимларини СССРда икки-тўрт ҳафта таълим олиши, шу жумладан чет тилларни жадал ўрганиши, шундан сўн таъриба орттириш учун чет элга юбориш мақсадида мувофиқ ёни мувофиқ амалигини аниқлаш учун аттестациядан ўтказиш жорий этилади. Таълимдан муваффақиятли ўтган тинловчилар СССР раҳбар ходимларини тайёрлаш Давлат Маҳкамаси белгиланган қўйданган намунадаги диплом оладилар ва бошқаруви ходимлари умулдават ахборот банкига ёзиб қўйилдилар.

Давлат Маҳкамасига ўқув қўлланмаларининг таълим технологияларининг янги турларини таллаш асосида ишлаб чиқиш учун, бошқаруви имкониятларини ривожлантириш соҳасида тадқиқот ва маслаҳат ишларини олиб бориш учун ташкил қилинган совет ва чет эл мутахассисларидан муваққат иқтисодий жамоалар тузишга руҳсат этилди.



Мавзу—Иттифоқ Шартномаси

11 июль кун СССР Олий Кенгаши «сесисининг мажлисидан энг муҳим масала — Иттифоқ Шартномасини муҳома қилиш асосий мавзу бўлди. Мажлисда СССР Президентини М. С. Горбачев, вице-президент Г. И. Янаев, мамлакат ҳукуматининг аъзолари қатнашдилар.

А. И. Лукьянов шартнома лойиҳаси муҳомаасидан олдин гапириб, давлатимизнинг келажакда шу ҳужжатга доир эканини таъкилади. Лойиҳа мураббаб сийсий шароитда тайёрланди ва баҳам-жиҳат бир фикрга келиш учун кўп кун-гайрат сарфланди, деб ўқитди у. Ҳозир сийсий босқич бошланганда, бу босқичда Шартнома лойи-

ҳасининг қондаларини алоҳида сийчилаб замалаб қўриш керак бўлади.

СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг раиси Р. Н. Нишонов лойиҳа ҳақида маъруза қилди. У бир йилдан кўпроқ вақт давом этаётган ҳужжат устидаги ишнинг асосий босқичларини эслаб ўтди. Шартнома лойиҳасининг умумий концепцияси мамлакат ва республикаларнинг парламентларида муҳома қилинганини, у мамлакат халқ депутатлари сийсий томонидан маъқулланганини айтди. Нотий ҳужжатнинг асосий қондалари республикаларнинг ва СССР Олий Кенгашининг фаол иштирокида ишлаб чиқилганини, бу иш дўй-ростида ва халқчиллик шароитида олиб бориладиганини алоҳида таъкилади.

Матрузани нзоҳ талаб қилдиган ва сийсий жиҳатдан талқин этиладиган бир қанча қондаларга тўхтади. У аввало бўлажак давлатнинг янги номи — Совет суверен Республикаси — Иттифоқ деб аталиши, унда «социалистик» сўзи йўқлиги ҳуусидаги мулоҳазаларини айтди. СССР Олий Кенгашини, унинг тузилмалари ва вазоклотларини шакллантириш тартибига тааллуқли фирқаларни тушунтириб берди. Бир қанча бошқа жиҳатларга тўхтади.

ТАЪТИП ВАҚТИ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ

СССР Вазирлар Маҳкамасининг қарори меҳнатни ўзи билан қўшиб олиб бораётган ишчилар ва хизматчиларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган. Бу қарорда талабалар ва ўқувчи-ешларнинг маъруза тошфалари учун иттифоқлар тузишдаги Нисозга ўзгаришлар киритилган.

СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлигида ТАСС мухбирига ҳа-

лари учун ойига 100 сўм, техникумларнинг ўқувчилари учун ойига 80 сўм қилиб чеклаб қўйилган бўлса, эндиликда талабаларнинг ҳам таътил олдидagi сўнгги 12 ой ҳисобидан уртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Ўқув таътиллари учун ҳақ тўлашнинг янги тартиби урта ҳунар-техника билим юртлирида таълимнинг некичи (сменали) шаклида ва некичи (сменали) бўлимларида шу тулданабган кишилар учун ҳам қўлланилади. Уларнинг ҳам ўқув таътили вақти учун асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Уларга илгарги ўртача иш ҳақининг атиги ярми берилар эди.

Р. АХМЕТОВ,
ТАСС мухбири.

ИШСИЗЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАМҒАРМАСИ ТУЗИЛМОҚДА

Тошкентда ишсизликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ жамғармасининг Ўзбекистон бўлимининг тузиш ҳужжурини ташкилот комитетининг мажлиси бўлди.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг «Рабочая трибуна» рўзномаси бир йил аввал ушбу жамоатчилик хайрия органини ташкил этиш ташаббускорни бўлган эди. Жамғарманнинг унинг ҳужжуратлари ва вилоятлардаги бўлимларининг мақсади ҳамда вазифаси — ишга жойлаштириш ва аҳолини қайта ўқитиш, янги иш жойларини вужудга келтириш, расийн тарзда ишсиз босилган кишиларга ёрдам бериш масалаларини ҳар томонлама ҳал этишга қўмақлаштириш иборат. Бу муаммолар ишчи кучи кўп бўлган минтақалар, жумладан Ўзбекистон учун ҳам аинқасе долзарб бўлиб қолмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, Олмалик конметаллургия комбинатининг бош директори В. Н. Сигедин, Тошкент тикувчилик ишлаб

чиқариш бirlлашмаси ва Чириндаги «Гуна» тикувчилик фабрикасининг раҳбарлари Н. П. Эркаўжаева ва Т. Н. Люкшина, меҳнат ва зириннинг ўринбосари Э. В. Суханов, «Рабочая трибуна» рўзномасининг Ўзбекистондаги ўз мухбири Р. В. Талъева сўз қилдилар.

Мажлисини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, ташкилот комитетининг раиси А. А. Абдувоҳидов бошқарди.

Жамғарма дастури ва унинг таъсис конференциясини ўтказиш муддатлари режалаштириб олинди. Нисознома лойиҳаси ва делегатлар сайлаш тартиби муҳомама қилинди. Конференцияни 23 июль кун Тошкентда ўтказиш режалаштирилди. (ҒаТА).

ЧОМ ЭЛАЛАРДА

ГАЗАНДАЛАРНИНГ ҚОНДАЛИГИ

● ДEXЛИ. «Ассам озодлиги бирлашган жабҳаси» деган газандалар гурӯҳининг вакили Хиндустоннинг мана шу шимол-шарқий шатаида айтишча, шу ташкилотнинг жангарилари ушлаб олиб кетган совет мутахассиси Сергей Гришченко қочошига урғун пайда ўларганига ЮНИ ва ПТИ ахборот бошқармалари шу хабарини тарқатди. Уш ташкилот вакилининг Ассам шати маъмурий маркази Гувахатида тарқатилган баёнотига кўра, совет мутахассиси ўзини қўриқлаб турган газандалардан бирининг қуролини тортиб олган. Бирок,

«бирлашган жабҳа» таъбири билан айтганда, у қочмоқчи бўлиб турганида» отиб ташланган, С. Гришченко 1 июль кун бир гурӯх хиндилар билан бирга газанда жангарилар томонидан ўғирлаб кетилган эди. Гарагоа олтига олтига озод қилиш учун шат маъмурлардан «бирлашган жабҳага мансуб бир неча айрмачини озодлик чикариш шарт қилиб қўйилган эди. Жангариларнинг ҳамма талаблари бажарилган эди.

КУЗАТУВЧИЛАР ИШ БОШЛАДИ

● БЕЛГРАД. Европа ҳамжамиятларига эзо бўлган уч мамлакат — Голландия, Люк-

сембург ва Португалиянинг фунафур вакили 9 июль кечқурун Югославия пойтахтига келиди. Улар Югославиядаги таъглик ишда Бутуниттифоқ федерацияси, Словения раҳбарлари ва Европа ҳамжамиятлари вакиллари уртасида тузилган битимларнинг бажарилишини назорат қилиш лозим бўлган кузатувчиларнинг биринчи гурӯҳини ташкил этади. Таълим қилишча, биринчи гурӯх аъзолари федерал маъмурларнинг вакиллари билан музокара ўтказиб, Брюнел битимларининг баъзилари қандай бажарилаётгани билан танишиш мақсадида Словенияга, шунингдек Хорватияга борадилар. Улар ўт очиниш тўла-тўқис тўхташиш тўғрисидаги битимларнинг бажарилишча, шунингдек ЮСФРнинг Словениядаги давлат чегараларини тартибга риоз этилишини асосий эътибор берадилар. Словения маъмурлари чегарада Словения ўзини мустиқил

деб эълон қилишдан аввал мавжуд бўлган тартибни тиклаш мажбуриятини олганлар.

ПРЕЗИДЕНТ ДАЪВАТИ

● ВАШИНГТОН. АҚШ Президентини Жорж Буш Америка конгрессига мурузоват этиб ўз маъмурияти таъглик этган мамлакат ҳарбий бюджетини йўқоқсини маъқуллашга ва стратегик қуроллар ишлаб чиқариш учун сўралган маблагни саккиб қолтиришга чикариди. Ж. Буш Америка мудофая тайёрлиги уш мажлиснинг ахборотида сўзга чиқиб, маъмурият қиттин қонлашлар билан янги бюджетни таъглик қилишини таъкилади. Ҳужжатда дунёда рўй бераётган ўзгаришлар ҳисобга олиниган ва у аъзининг ялти миллион мақсудотини кам фойдакор депрессияга замоналардан бўйинги бошқа ҳар қандай ҳарбий бюджетдан қалдири. Шу сабабли ҳар қандай қўшма

қисқартиришлар Америка қуролли кучларининг қудратига путур етказиш мумкин. Ишонда АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси 1992 молия йилидаги ҳарбий бюджетини маъқуллаган эди. Бирок конгресс аъзолари Оқ уйнинг 4 та «2-2» бозориди «смаклетини бозориди» кичиркиш учун 3,2 миллиард доллар ажратиш ҳақидаги талабни қондаларидан беш тортиган эдилар. Вакиллар палатаси маъмуриятнинг стратегик мудофая ташаббуси дастурларини амалга ошириш ҳақидаги талабига нисбатан 1,7 миллиард доллар кам маблаг ажратди. Ҳозир, сенат ҳарбий бюджетини кўриб чиқишга киршибатган пайдада мен уин АҚШ миллий хавфсизлигини таъминлайдиган бюджетини маъқуллашга чикараман, деб таъкилади Президент Буш. (ТАСС, 10 июль).



«Тошкент ҳақиқати» рўзномаси ҳамда Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти Тошкент вилоят кенгашининг ойлик нашри

ЎЛКАМИЗ ТАРИХИНИ БИЛАМИЗМИ?

Она юртимиз тарихини мукамал ўрганиш, қадимий урф-одатларимизни, яхши анъаналаримизни яқинириш, келгуси давомда етказиш, умуман миллий маданиятимизни кенг тарғиб қилиш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш, «Бобур» номида ва бошқа бир қанча жамиятлар баҳоли қудрат иш олиб бормоқдалар, қатор тadbирлар ўтказмоқдалар. Ўзбекистон ўлкашунослик жамияти ҳам шулар сирасига кирилади. Жамият кенгаши аъзоси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳининг ўлкашунослик, ўрта асрлар ва қадимий дунё тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори Абдуғафур Набиев билан суҳбатлашганимизда, олим республикамизнинг ҳамма жойларида ҳам ўлкашунослик мутахассислари етарли даражада эмаслиги, кўплари эса ҳозирги талабга кўнглидагидек жавоб бера олмағлиги, уларни тайёрлаш жараёни сустлиги ҳақида гап бошлади. — Тўғри, ҳозирда бизнинг олий билимгоҳимизда ана шундай ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш бирмунча яхши йўлга қўйилди. Тарих факультети талабалари учун «Ўлкашунослик» махсус курси киритилди. Шунингдек улар археологиядан уч ҳафталик амалий машғулотларга жалб қилинадилар, республикамизнинг

ҚАДИМДАН ЭЪЗОЗЛИ



Гуручдан тайёрланган таомлар нафақат Ўрта Осиё ҳудудиди, балки бутун Иттифоқимизда, кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам доимо севиб истеъмол қилиниши сир эмас. Ўзбек пазандчилигида ушбу дон маҳсулотидан энг мазали оватлар пиширилади. Жаҳонга донни кетган палов ошимизнинг ҳам таркибидаги асосий масаллиқ айнан гуручдир. Ҳўш, гуруч дастлаб қаерда ештирилган? Бу саволга жавоб топиш учун қадимий кўнон тарихчилари Ёзбо қолдиридан маълумотларга мурожаат қилса, эраимиздан аввалги IV асрда Бактрия (Амударёнинг ўрта ва юқори оқимларида жойлашган вилоят)да гуруч экилган майдонлар бўлганлиги битилган. Лекин бу энг қадимий ва тўғри фикр деб юритилмайди. Чунки Хитой элчиси Чжан Цян Ўрта Осиё бўлаб саёҳат қилганида барча кўрганларини ҳисобот тарзида эътибор қилган. Бу қадимий манбада (эраимиздан аввалги II аср) айтилишича гуруч Девонда, яъни Фарғонада етилтирилган. Шунингдек гуруч-шולי қолдиқлари Эрк-қалъа (Туркманистон) қазилмалари вақтида ҳам топилган. Айрим олимларнинг тадқиқотлари натижаларига кўра шולי Ўрта Осиё халқлари орасида бундан 2500 йилча муқад-

дам ҳам маълум бўлган экан. Шуниси ҳам қизиқки, қадимий санскрит тилида ва Ўзбекистон, Тожикистон, Эрон ҳамда Афғонистон аҳолилари орасида гуруч ўсимлигининг тозаланмаган дони бир хилда аталар экан — «шולי» (форсча — «шал-тук»). Гуручнинг номи ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Яъни — гуруч, гурунж, биринчи, беренж ва ҳоказо. — Хуллас, мамлакатимиз бўйича гуруч, яъни шолининг пайдо бўлиши ва тарқалишида Ўрта Осиё ҳудуди энг қадимий ҳисобланади.

ХАЗИНА хабарлари

Набатдаги ёнги археология экспедициялари ўз қидирув ишларини бошладилар. Археология институтининг қатор илмий ходимлари экспедицияларга бошчилик қилмоқдалар. Оқдўғрон ноҳиясида иккита ёдгорлик. Қонда ва Шохруҳияда изиланиш ишлари давом этапти. Қондада Г. И. Богомолов, Шохруҳияда В. И. Набоков раҳбарлигидаги гуруҳларга С. Сегизбоев номли, «Ленинизм», «Оқдўғрон» совхозлари ҳудудларида янги ўқувчи ёшлар бригадалари ташкил этилди. Шунингдек, 22 ва 23-ўрта мактаблар ўқувчилари экспедициялар сифида бу йил ҳам қатнашадилар. Бўстонлик ноҳиясидаги Шохжувар ёдгорлигида ишларини М. Р. Тихонин олиб борапти. Псков дарёсининг тепасида катта қазилмалар очилган, бу ерда ҳам Тошкент шаҳар ўқувчилари ҳамда маҳаллий ёшлар ёрдям беришапти. Кавардонда (Коммунистик ноҳия) Қобил Алимов бошчилигидаги экспедиция фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойида Оқдўғрон ноҳиясида вилоят ёдгорликларини сақлаш жамияти кенгашининг навбатдаги археология ва ўлкашуносликка бағишланган конференцияси бўлади. Яхши анъанана айланган бу конференция 1988 йилдан бери ҳар йили Оқдўғронда ўтказилган. Жамиятнинг Оқдўғрон ноҳия кенгаши бу ишда фаол қатнашапти. Конференцияда ёш археологларнинг ахбороти, илмий докладлари тингланади, кинофильмлар, намойиш этилади ҳамда экскурсиялар ўтказилади. Агарда хоҳловчилар бўлса бизнинг конференцияда ўз материаллари билан қатнаша оладилар. Барча саволлар ва таклифлар билан тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти вилоят кенгашига мурожаат қилиб маълумот олиш мумкин. Ҳозирги вақтда аҳолига ер майдони, томорқалар берилгани, тақшилотларнинг дам олиш минтақалари қуриляпти. Кўпгина шу ишлар вақтида қадимий археология ёдгорликлари — тепаликлар, қўрғонлар бузилапти. Бунинг сабаблари биринчи навбатда аҳоли уларни билмаганидан, маҳаллий Кенгашлар эса кўпгина бефарқ қарашаётганидан, тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш тўғрисидаги қўнон амалда қўлланилмаётганидан иборат. Агар бирон ерда шундай ҳолатлар юз берса, ёдгорликлар бузилаётган бўлса бу ҳақда албатта ёдгорликларини сақлаш жамияти вилоят кенгашига ёки «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига кўнглидаги телефонлар орқали хабар беришларини илтимос қилардик: 32-11-52, 32-57-49, 33-70-10.

ҚИММАТЛИ ТОПИЛМАЛАР



Бизга ота-боболаримиз томонидан қолдирилган бойлик-хазинанинг ўзига чекинди. Аммо биз бу бойликларни қадрига олдими? Қай йўсинда ардоқладик? Афсуски бу хазинани нестобон қилмадик. Ота-боболаримиз асрлар давомида яратган маданий меросларига бефарқ қарамадик. Бешаърақат меҳнат қилиб, роҳатда яшашлик йўлларини изламадик. Шу ўринда отамдан ашигган қийинати ҳикоятларини ёлга олмадикман. Уларнинг мазмунни қуйидагича. ...Қуллардан бир кун бир қишлоқ. Йилги Тошкентга бойиб кетиш мақсадида болачақиси билан кўчиб келган экан. Унинг эшитишига қараганда, тошкентликлар овқатини ёнбошлаб ейишар экан. Бунинг эшитган йилги мен ҳам бир роҳатда яшай, деб Тошкентдаги бир бойга ёлланиб ишлай бошлади. Ишининг биринчи кунидек ишдан ҳорниб-чарчаб келибди. Хотини унинг олдига келтириб қўйган кечки овқатни ҳам ўтириб ейишга мажбур келмади. Ёнбошлаган ҳолда овқатга кўл чўзиб бир-икки лўқманни овқат солибди. Бироз ўзинга келгач қулиб қўйибди. Эрининг бу ҳолатини кўзатиб турган хотини кулиш сабабини сўради. Шунда эр хотинига ўзининг Тошкентга келишидан мақсади роҳатда ёнбошлаб овқат ейиш эканлигини, ҳар хил йўللар билан меҳнатси роҳатда яшовчи кимсалар маслаҳатига кириб шу кунга тушиб қолганлигини сўзлаб берган экан. Яна бир ҳисовнинг мазмунига кўра бир бадавлат киши бўлган экан. У дарий қолгунча мақсади бойлик тўплаш бўлибди. Қуллардан бир кун ҳаёт таъвоқос билан оламдан кўз юмди. Чоғида тарбия нима эканлигини билмаган бир ерда ўлига насихат қилибди. «Ўлим мен сента беҳисоб хазина қолдираман. Овқатингни ширин қилиб ейишга ўрган», — деб

гапини тугатар-тугатмас кўз юмибди... Умрида меҳнат нима эканлигини татиб кўрмаган ўғил отам менга ўз васиятларига овқатини ширин қилиб ейиш деганлар, деб отасидан қолган бойлигини яхши овқатларга сарфлай бошлади. Ёғиб еганга Сулаймоннинг хазинаси ҳам чидамайди деганларини эътибор қилиб, бори боиллини сарфлаб бўлибди... Қуллар ўтиши билан уйини маъноси жуда кенгдир, мухтарам ўқувчилар. Кўпчилигимиз бу каби ибратли ҳикоятларни маъмунига тушунишимиз билан амалда уларнинг бош қарамони тутган хато йўлдан кетамиз. Ҳеч нарсанинг охирини ўйламаймиз. Табиати қасддан бўлгандай. Асрлар мобайлида яратилган маданий бойликларимизни кўнжа соғураямиз. Асраш-авайлаш нималигини билмаймиз. Яхши айиш қийин. Бунинг ҳеч ким биламайди. Ватанимиз бўйлаб сафарда бўлган ҳар бир кимса бепоян даладар бағрида учраб турадиган дунг тепаликларини кўрган бўлса керак. Ажа-бо, шундай кўнжаморларда бу тепаликлар қандай пайдо бўлди экан, деб ҳаёлга толанса? Ажабланманг юртдошларим! Бу тепаликлар ўрнида бир вақтлар удўғвор ажойиб саройлар, кўшклар бўлган. Замона зайи билан, одамларнинг бебарволиги туфайли шу обидалар аста емирлиб тепаликларга айланган. Шуларни ўйлаганда кўз ўнгимизда музейимиз ўрнида баланд бир тепалик гавдалангандек бўлади. Вечас чўзиб кетасан киши. Ассло бунинг бўлиши мумкин эмас. «Музей инсоният ҳақидаги улғу эсдалик китобидир», — деб баган эди буюк олим А. В. Луначарский. Афсуски бу китобни чанг босиб ётибди. Ўзбекистон халқлари маданиятини кўзга кўндаланган даврда музейимизнинг тўғ қасдан қилинган ёниги бўлиши, музей пештахталаридан ўрни олган қанчадан-қанча ажойиб санъат намуналари тўғ бир умрга бадалга қилингандек туриши қайғули бир ҳолатдир. Тарихимизнинг шу вақтларгача ўз ақсини топа олмаган саҳифалари энди ёруғлик юзини кўрарман деганда, ўтмишдаги ноҳадликларини, қизгин қайта қуриш жараёнини, турли воқеаларини халқимизга намойиш қилиш дари келган бир вақтда аҳволини қаранг. Бизнинг истамизимиз ва режаларимиз Ўзбекистон халқлари тарихи музейи тезроқ қайта ишга тушиши, пештахталардаги кўрғамаларни қайта қуриш принципидир асосида кўриб чиқишидир.

Ҳозирги ўнгилаб олиш даврида масжидлар ва мадрасаларда аҳвол қандай эканлигини билиш ҳар бир кишида қизиқиш уйғотиши табиий. Шу мақсадда Тошкент янгидаги Занги Ота масжидида бўлиб, унинг имом-хатиби Қосим ҳожи Абдуўҳид ўғли билан суҳбатлаш

— Бу ер бизга берилган бу ёнги тақводорлар кўп ташир буюришди ва албатта, уларнинг кўпчилигини Занги Отанинг қимлигини билмаслиги мумкин, — дейди суҳбатдошим. — Бу киши энг буюк тақводорлардан бўлганлар. Муғуллар босқини даврида улар ўзларининг бутпарастлик динларини олиб кирмоқчи бўлганлар. Худди шунга қарши динин тарғиб қилиб Занги Ота Расуллоҳ суннатига мувофиқ қийинчилик пайтида ислом ривожига бош қўшганлар. Шунинг учун Мовароуннаҳр шоҳи, буюк саркарда, жаҳонгир Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир бу ерга келиб 1380 йилда қабрхона ва зиёратхона кўрдирган. 1420 йилда эса аллома, бутун жаҳонга мунажжимлик илми билан танилган Амир Темурнинг набираси, шоҳ Мирзо Улуғбек зиёратхона олдига нақшбандиернинг қурдирган. XVII асрда пештоқ олдиди масжид қурилиб, атрофида мадраса қад кўтарган ва иңқилобгача диний билимлар

«ЁДГОРЛИК» ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

ҲОЗИРДА турли кичик қорхоналарнинг вужудга келиши давр талабига айланмоқда. Яқинда вилоятимизнинг Оқдўғрон район Маданият уйи территориясида «Ёдгорлик» номи билан аталувчи кичик қорхона иш бошлади. Билишимизча, бу кичик қорхона райжиқроқум хайрихоҳлиги билан Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти вилоят кенгаши томонидан очилган экан. Бу янгилик ҳақида батафсилроқ маълумот олиш мақсадида жамиятнинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Миртурсул МИРСОАТОВга телефон орқали мурожаат қилдик. Қорхона аҳолига ҳар хил хизмат турларини кўрсатади. Жумладан, расоилар ўз соҳа-

ни фарғоналик усталар уч ой иттида бажаришган. Нақадар гўзал. Зиёратхона пештоқи олдиди Тошкент ёдгорликларини таъмирлаш бошқармасига қарашли кўтармага қўзғилган. Бу кўтармага пештоқи таъмир этиш учун қў-


шунингдек, атеизмчиларнинг «хизматлари жуда нақадар. Электр симлари оқиқ том устидан туширилган. Тоқ уриб олиши ҳеч қилмас. Бу ердан аҳолига қараб Ўсимхожи домлага савол берилган тугатилган. — Қачон тугайди бу таъмирлаш ишлари? — Сизга айтсам, бу тугайди. Яхшиси, ўзинизга берганлариди ҳам кўнглидагидек, ҳам тез фурсатда таъмир этирди. Ахир нақд пулга топамизда ҳаммасини. Мана бу айвон нақшига 1 минг 400 сўм сарфладик. — Яна бирон ташкилотга топширсангизлар керак? — Йўқ. Шунангача зўр усталар борки, уларни пулга таллашиб бу ерга жалб этишимиз. Бунинг устига халқимизнинг ҳимматига, хайр-ҳўсонига ишониб таъмирини ўз бўйинимизга олмоқчимиз. Бу табарруқ дарғоҳнинг йиллар давомида ҳароба бўлиб ётиши ҳеч бир ақлга сизмайдиغان ишдир. Масжид мадраса ходимлари юқоридаги муаммоларни ўзлари халқи элмоқчи эканлар, нега энди улларга эркинлик берилмайдими? Катта-катта пулларни ўн йиллаб соғуриб, еб ётадиган бошқарманинг яна нимасига кўз тикиб ўтирмадиларини лозим? Ҳамма нарсанинг ҳам охири бўлиши керак-ку, ахир!

Тўққин ЕРКУЛОВ. лари билан мунтазам шуғулланади. Тушадиган маблағга, яъни даромадга келсак, унинг маълум қисми қаровсиз ётган қабристонларни, ёдгорликларини ободонлаштиришга, таъмирлашга сарфланади. Бундай кичик қорхоналарни вилоятимизнинг бошқа районларида ҳам ташкил этишнинг мўлжалламоқдамиз. Р. ШОЖАЛИЛОВ.

ЧАНГ ОСТИДАГИ БОЙЛИК

да сотиб овқат олиб ейишга ариғулик вараиси қолмабди. Қорни очидан силдаси қуриб ётиб қолибди. Ётган ерида қаердан нажот келар экан, деб шифтга қараб ётса қулоғига қитрилган товуш эшитилибди. Шунда бир амаллаб туриб бу нима экан, деб шифтдаги бир ошқ ердан қўлни тикиб ушлаб кўрса бир вақтлар ташлаб қўйилган нон бўлаклари бўлиб, уни сиқон қитрилатётган экан. Нонни кўрғач, ўзида йўқ хурсанд бўлган ўғил уни ейишга киришибди. Бу нон унга шунчалик мазали бўлиб туюлибдики, умрида ҳеч қачон бўлмайди. Мазани топиб кўрмаганининг эслабди... Ўғил шундангина спасининг «овқатини ширин қилиб ейишга ўрган», деб айтган бебаҳо васиятининг маъносига ётган экан. Бу келтирилган ҳикоятлар-

Олимплар лабораторияларида




ҚУЁШДА КУЧЛИ ПОРТЛАШЛАР



УЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Фаландиёт илмгоҳининг Куйш физикаси бўлими олимлари июль ойида Куйшдаги портлашларнинг дастлабки фотосуратларини олишди.

Олимпларимиз, дейди бўлим мудири, физикариёзиёт фанлари номзоди И. Сатторов, — 1932 йилдан бундан калкоро «Куйш соқчиси» дастури бўйича Куйшдаги ўзгаришларни мунтазам кузатиб келадилар. Бу йил Куйшдаги фаоллик анча кучайганлиги кузатилаётди. Фақат июль ойидаёқ 40 га

раётган кичик изланишлар салимоқдир. СУРАТЛАРДА: (чапдан юқоридан) Куйш сатҳида рўй бераётган жаройиллар схемаси; (пасда) бўлим мудири И. Сатторов Куйш доғлари акс этган фотосуратларни намойиш қилмоқда; (ундан юқоридан) Куйшдаги энг катта портлашларни суратга олган кичик илмий ходим Музаам Сайдалиева; телескоп ёнида навбатчиликда. С. ВЕЛИЧКИН суратлари. [УзТАГ]



АРТЕККА— ДАМ ОЛИШГА

Жигаристонлик болалар Буниттфок болалар маркази— «Артекка» йўлланмалар олишди. Бундай совгани олган дастлабки гуруҳ — табиий офатдан жабрланган райондаги элик ўғил ва қиз 3 июль кунини Қора денгиз соҳилига жўнаб кетди. Сафар ҳаражатларини ҳамда йўлланмаларни расмийлаштиришга кетадиган барча ташвишларни Ўзбекистон ЛКМ Марказий Комитети билан Ўзбекистон пионер ташкилоти жумҳурят кенгаши ўз зиммасига олди.

Фонна рўй берган кунларда СССР болалар ташкилотлари федерациясига мурожаат этиб, аз фаслида жигаристонлик болаларини Буниттфок шифохонасига қабул қилишни, болаларни рўй берган фалокатдан бироз бўлсада чалғитиш мақсадига улар учун Қора денгиз соҳили бўйлаб кичиклари сайёҳлар ташкил этишни сўраган эдик,— дейди Ўзбекистон пионер ташкилоти жумҳурят кенгашининг расми Маёя Абдухайрова Раҳимбердиева.— Москвада бизнинг илтимосимизга шу заҳотёқ эътибор беришди, мактаб ёшидаги жигаристонликларнинг ҳаммасини амалда «Артек» болалар марказига йўлланмалар билан таъминлашди. Болаларимизни жаҳоннинг турли давлатларидан «Артекка» болалар келадиган энг нуфузли «халқаро мавсумида» қабул қилдилар.

Орадан бироз ўтган, жигаристонлик болаларнинг яна бир гуруҳи ўз юртошларини ёнига қўшилиди. Улар миринишда, тенгдошлари — «Болалар сайёрамизда» тинчлик учун курашда халқаро ёшлар ҳаракатининг фаоллари билан мулоқотда бўлишди. Ўзбекистонлик меҳмонлар халқаро экология семинарида, халқ рақслари ва кўшиқлари концертида, амалий-маънавий санъат кўргазмаларида ҳам қатнашдилар.

Н. ПОЛЯНСКАЯ, [УзТАГ мутбири].

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони) 27 ИЮЛДАН БОШЛАБ МАВСУМ ОЧИЛАДИ. СОВЕТ ЦИРКИНИНГ ЕТАКЧИ УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА 2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР. Цирк санъатининг барча жанрлари намойиш қилинади. ТОМОШАЛАР: 27 июлда соат 13.00 да (билетлар сотилган), 28 июлда соат 12.00 ва 15.00 да бошланади. Сўнгра томошалар оддий иш кунларида соат 19.00 да, шабаб кунлари соат 16.00 ва 19.00 да, яқшанба кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади. Олдиндан чипталар сотиш йўлга қўйилган. Касса соат 9.00 дан 19.00 гача ишлайди. ЦИРК ФОНЕСИДА ШОШИЛИЧ СУРАТКАШЛИК САЛОНИ ИШЛАБ ТУРИБДИ. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

Жумҳурят аҳолисининг кўбсонли илтимосларига биноан 19—25 ИЮЛЬ КҮНЛАРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Тошкентдаги «САЛОМАТЛИК» марказига қарашли Иби-Сино номидаги халқ табиати марказининг аъзоси.

БАШОРАТЧИ ТАБИВ Дилбар СОБИРОВА

РУҲЛАР ВА ИЛОҲИЙ КУЧЛАР ТАЪСИРИДА ЗИКР-САНО УСУЛИ БИЛАН

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИНИ УТКАЗАДИ

Даволаш мобайнида қуйидаги беморлар шифо топадилар: бош оғриғи, бел оғриғи, юрак сиқилиши, буйрак жигар, ошқозон, кўз касалликлари, қандли диабет, тери касалликлари, нафас сиғиш, болалар қовуғи бўшлиғи, улардан ташқари қайтарич йўли билан бахт йўли боғланганлар, ҳаётда омади юришмаганлар ҳамда бўлиб ўтган ёки бўладиган ҳаётий масалалар бўйича башорат қилади. ОЛИСДАН КЕЛГАН БЕМОРЛАРГА МЕҲМОНХОНАЛАРДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ. Чипталар Тошкент Давлат цирки кассаларида сотилмоқда. Даволаш сеанслари соат 19.00 да бошланади.

Республика машинасозлик ишлаб чиқариш маркази 11-синф ҳажмида маълумотлилардан қуйидаги ихтисослар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

Токар, электр кўприкчи кранларнинг машинисти, электр пайвандчи, штампловчи. 80 сўм ҳажмида стипендия тўланади. «СССР 50 йиллиги номи Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси Совет Армиясини сафларида хизматни ўтаб қайтган ўқувчиларга стипендияга 100 сўмдан қўшимча ҳақ тўланишини кафолатлайди ва уларга ётоқхона беради. Ўқиш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. Республика машинасозлик ўқув-ишлаб чиқариш маркази 11-синфини битирган ёшларни қўшимча йиғувчи-чилангар малакаси бериладиган синовчи-тракторчи ихтисоси бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқиш муддати — 10 ой. «Синовчи-тракторчи» мутахассислигидан қақриққ ёшигача бўлган ўқувчиларни Марказ қошида «С» тоифали ҳайдовчиларни тайёрлайдиган курсларга бепул ўқиб, асосий касбидан ташқари ҳайдовчи касбини ҳам эгаллаб чиқади. Ойига 80 сўмдан стипендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 фоизи берилдади. Ўқиш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. Марказга ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: марказ бош директори номига арзиза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, турар жойдан маълумотнома, 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат, турилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт ва ҳарбий билет. Борши йўли: 24, 105-автобусларнинг сўнгги «1-ТТЗ» бекати; 6, 13, 22-трамвайларнинг «4-ТТЗ» бекати; 68-маршрутли таксининг сўнгги бекати. Телефон: 24-67-96.

Ўқувчилар қабул қилади

«КАНОН» ФИРМАСИНИНГ НУСХА КЎПАТЛАТИРИШ ТЕХНИКАСИГА ЭҒА БЎЛГАН ҚОРХОНАЛАР, ЦИРКАТЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«РЕСУРС» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ БОЗОР НАРҲЛАРИДАН АРЗОНРОҚ ВАҲОДА. 210, 270, 300, 400, 500 маркада «КАНОН» нусха кўпайтириш техникаси учун КУКУН СОТАДИ

Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юқасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишнингизни сўраймиз: Чилонзор даҳаси, 22-мавзе, 13-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: 74-63-00, 74-80-29, 74-89-04

Инсон тақдири

ВАФОНИНГ ШИРИН МЕВАСИ

Мабодо, Чирчиқ томонларга йўлнигиз тўшиб қолса, албатта, Навбахор маҳалласига бир кириб ўтинг. Номинга монанд бу масканнинг ажиб табиати бор: кўларга тутаган адл дарахлар, шўх-шўх ўйнаб оқибатан эмпил сувлан ариқлар, тоза ҳаво, озода кўчалар... Бекхтиёр кайфиятиги кўтарилмади, завриқган завок қўшилди, қалбнинг эшиги шавча тўлади. Бу жойнинг оддалари ҳам ажойиб: содда, сермулозамат, меҳмондўст... Бир оғиз сўз билан айтганда, Навбахорнинг табиати ҳам табиати мос кишилар. Судбатлашсангиз дилингиз баҳра олади, қадрдан гўшаларни кўмасиб иштиқан қалбнинг тўқилишини эзгу ҳисларга тўлади, сурурли бу ҳолат, рудингизни кўтарди.

Шу маҳаллада бир онла бор, Навбахорликларга ҳоз бача фазилату ҳислатлар уларда ошиги билан намойиш. — Ажойиб кишилар,— дейишди маҳалладегилар, улар ҳақида сўрагудек бўлсангиз, Исмомил ота ва Хуриятхон ҳола билан ҳамсухбат бўлсангиз сизнинг ҳам бундан ошиб бирон нима дейишангиз даргумон. Ота салкам саксон ёшда. Ҳола ҳам етмишдан ошган, бироқ уларга тайилли ёш беришда таннимаган кишининг қийналиши анди Чунки рудан текки, домло табасумли ёстиқдошлар анчагина ёш кўринишда [Кўз тегмасин].

Сермазун умрларининг эллик йилдин улар биргаликда ўтказишди. Аслида-ку қирқ беш йил, бироқ улар учун... Амабаналясиз-а... Келинг, яхшиси қисқасига ҳикоя қилиб берайла, шунда ҳаммасини тўшуриб оласиз.

Ушунда 1941 йилнинг баҳори эди. Бир-бирига таланиб юрган икки йили улаштириб қўйишди. Замон нотинч, оддалар имканинингдир ҳавотирда. Хайли шунинг кечмиши сермазунда бўлади. «Тўйга тўғаноқ кўп» деганларидек, Исмомил акани қисқа ҳарбий тайёргарликка чақириб қолишди. Исмомил ака кетди, арини [кўпроқ ўзини] айрилиқнинг вақтинча эканлиги, хали кўша-кўша тўйлар бўлишига ишонтирди. «Вақтинча айрилиқ» беш йиллик ҳикояга айланиб кетмиш кимнинг ҳам ҳаёлига келибди дейсиз. Наҳора, тақдирда.

Уруш бошланг қолди. Душманин дастлаб рўй-рост кўрган, бомбардимон-отчиларини илик бор бошдан кечирганлардан бири Исмомил ота бўлади, чунки ўша машару кун у фашистарга сониб олиб, маллакатимизга ҳужум қилганга тайёргарлик кўрган Польша чегарасида эди.

Исмомил ота 1418 кунлик урушнинг том маънода тўлиқ иштирокчиси. У мағлубият аламини ҳам, талаба қувончин ҳам табиб кўрганлардан. Исмомил отанин кўрган-кечирганлари ўз бир китоб. Қизилсангиз бо-ринг, отанин кўнглига йўл тополсангиз, у албатта ўша кунлар ҳақида сизга бажоник-

дил гапириб беради, чунки голиблар сифоиди Рейхстагга ўз қўли билан дастлатини қолдириш ҳаммага ҳам насиб қилавермаган. Хуриятхон ҳола ҳам аломат аёл, 1937 йилда ишчилар саводини оширувчи куллиётин битириб, олий ўқув юртига ўқишга кирган қиз, уруш бошлангач, тақсидан воз кечиб, ўзини меҳнатга урди... Хуллас орадан йиллар ўтди. Кўкрагини орден, медаллар бозоган навирион қаҳрамон урушдан эсон-омон қайтди. Бироқ ҳар кун неча мартаб кўз олдиндан ўтказгани ва хотирасига муҳралиб қолгани — оилеси, ошана оғайинлари... қаллиғи дейдого, мушот йилгитини, қисматини яна бир аччиқ синови кутиб турар эди. Исмомил ота жингголарда қон кечиб юрганда фронт ортида ўзини амалий меҳнат қилган Хуриятхон ҳола оғир дардага чалинган эди. Гарчи улаштириб қўйилган бўлса-да, бўлажак келинининг дардмаиллиги, бўлажак кўнанин оиласидегиларини, танишларини тавишига солиб қўйди. Улар қаҳрамонга мос кўз топтоқчи бўлишди. Йўқ, ўқар йилгитини муҳаббат ҳам ўқар бўларкан. Исмомил аканинг қатъияти ҳамма ошичка гапларга чек қўйди. Иқдот, 1946 йил узоқ кутилган, беш йил нечиқкан тўй бўлиб ўтди.

Ана сизга тақдир... Бугун улар ярим асрлик айёмларини тантана қилишяпти, гарчи қирқ беш йил бирга турмуш кечирган бўлса-да, ҳақиқатан ҳам муҳаббат, садоқат ва вафо пайдеворига эллик йил олдин асос қўйилган, худди шу сабаблигига ҳавасли бу онла кўрилганда-да. Тўғри эмасми!

Исмомил ва Хуриятхон Тўлагановлар ҳақида кўп ва хўп ёзса бўлади. Атайин, улар олган мукофотлар-у, ишонларни санамадик. Ахир инсоннинг инсонийлигини белгилайдиган омили ишонлар эмас-ку...

Бу онлада бахтли онлар кўп бўлган. Тўрт фарзандининг, саккиз неваранин дунёга келиши ҳар сафар олам-олам қувонч келтирган, бироқ бугун улар учун алоҳида бир байрам. Чунки уч айёлининг — фидра сифида, жангголардан омон қайтиш ва оила қурилганлигининг ярим асрлигини нишонлаб элга ош бериш кўнчилика орзудир, холос.

Безор ҳазил қилиб, меҳмонларни кутиб олаётган бу табаррук кишиларга қараб туриб йўлаб қолдим. Тақдирнинг барча иккиқилларига дош берган, аччиқ айрилиқни, машаққатли кунларин бошдан кечирган чоп-у калпирининг бир-бирига мурувватчи, меҳру оқибат нақадар мўла-а. Шу ёруғ кунларга етишганларининг аси сабаби ҳам шу мурувват, шу меҳру-оқибат ва яна вафодир, балким.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ.

ЖАМОАТ КЕНГАШИДА

9 июль кунин Тошкентда Ўзбекистон ССР Президенти идораси ҳузурида тузилган диний ишлар бўйича жумҳурят жамоат кенгаши йилгиди. Шаҳар ақли вакиллари, жумҳурят вилоятларидаги масжидларнинг имомхатиблари, диншунос олимлар, айрим маҳалла кўмиталарининг раислари, Урта Осиё ва Қозғистон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбарлари ва бошқа эътиборли кишилар машваратда ҳозир бўлиб, бир гуруҳдин пешволарининг 5 июлда пойтахтимидаги Тилла шайх жоме масжидида берган баёнотларидан кейин юзага келган аҳдolini муфассал муҳомама этидилар.

Мажлисда сўз олган воқилар Ўзбекистонда осийишталли ва фуқаролар жинслик бағрадор бўлишини ёқлаб гапирдилар. Муросада ҳинмат кўп, деб таъкидлашди улар, инсонларга руҳий ва маънавий ояқ беришда, уларни саводин ишларга савфарбар этишда дин пешволари ўрнат бўлмоғи зарур. Кек ва адоват ҳеч қачон ақшлик келтирмайди, аксинча, жамятин парчалайди, динга пугур етказида, мишлат

истиқболини бўғиб қўйди, тарафқашлини кучайтириб, эл-юртнинг шарнат пешволарига ниобатан ишонч ва ихлосини сусайтириши мумкин. Биз халқимизни бундай фалокатлардан асрашимизни шарт, деб таъкидланди кенгашида.

Ҳозирги масъулиятли даврда фуқаролар орасидаги муносабатлар очиқ-ойдин ва ишонч даражада самимий ва дўстона бўлмоғи керак. Шу маънода эса шахсий манфаатлардан воз кечиб, умумий манфаатларга зўрроқ эътибор берсан арайиди.

Мажлис ақли 9 июль кунини Москванинг «Комсомольская правда» рўзномасида чоп этилган «Тошкентдаги диний тўғитарини» сарлавҳали хабарига ўз муносабатини билдирди. Бу мақола аслида диндан четда турган ва мажбуд вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган айрим манфаатдор гуруҳларнинг хоҳишларини ифода этади. Милليونлаб нусхада чиқарилган рўзномадин сал шиоқолағили қилган ва миноглаб мўмин-мусулмонларни алдашга уринишга беадад таассуф билдирмоқ керак. Ҳаммага маълумки, Урта

БИЗНЕС МАКТАБИНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Бизнес мактабини битирган дастлабки қирқ киши — меҳнерларга дипломлар берилди. Улар бошқарува ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асослари билан танишдилар. Тингловчилар назарий дарслардан ташқари амалий ўйинларда қатнашдилар, хоржий фирмаларнинг вакиллари билан учрашдилар, Тошкентда ишлаётган қўшма корхоналарнинг фаолияти билан танишдилар.

ЕШ ТОМОШАВИНЛАР УЧУН

Жумҳурят кўндрок театрининг артисти Г. Бухарбаева «Кичик саҳна» усталари яхши билишди. Тошкент театр санъати олийгоҳида кўндрок театрининг бўлажак ижодкорларига устозлик қилаётган бу моҳир санъаткор яқинда шаҳар Кашпофлар ўйида янги кўндрок театри очилишига муваффақ бўлди. Унинг раҳбарлигидаги дастлабки — «Уч чўчча», «Шарқ бозори», «Бир кунга татийилган ёз» каби спектакллар яқинда еш томошабинлар ҳўммига ҳавола этилди.

А. АЛИЕВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32. Мухаррир уриносарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб уриносарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; кишлоқ хўжалиги — 325647; санаот, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733; ижтимоий масалалар — 325558; маданият — 325787; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; халқлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш ва булжоласи — 334048, 325354; эълошлар бўлими — 325727.